



Сизларга Аллоҳ азза ва жалладан қўрқишни васият қиламан. Агар бир қул устингизга амир бўлса ҳам, унга қулоқ тутинг, итоат этинг! Ҳали сизлардан (узоқроқ) яшаганларингиз кўп ихтилофларни кўради. Бас, менинг суннатим ва ҳидоят қилинган, тўғри йўлдаги халифаларнинг суннатига эргашингиз

Ирбоз ибн Сория разияллоҳу анҳудан ривоят: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга мавъиза қилдилар. Бундан қалблар қўрқувга тушди, кўзлар ёшга тўлди. «Ё Расулуллоҳ! Бу бамисоли видолашаётган кишининг мавъизасидек бўлди.

Энди насиҳат қилинг!», – дедик. «Сизларга Аллоҳ азза ва жалладан қўрқишни васият қиламан. Агар бир қул устингизга амир бўлса ҳам, унга қулоқ тутинг, итоат этинг! Ҳали сизлардан (узоқроқ) яшаганларингиз кўп ихтилофларни кўради. Бас, менинг суннатим ва ҳидоят қилинган, тўғри йўлдаги халифаларнинг суннатига эргашингиз! Уни ақл тишларингиз билан (маҳкам) тишлаб олинглар. Янги пайдо бўлган ишлардан эҳтиёт бўлинглар. Зеро, ҳар бир бидъат залолатдир», – дедилар.

[Саҳиҳ] [Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа ва Аҳмад ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда жуда қаттиқ мавъиза қилдилар. Ундан қалблар ларзага келиб, кўзлар ёшга тўлди. У зотнинг қаттиқ маърузаларини кўриб: «Ё Расулуллоҳ, худди бу видолашувчининг маърузасига ўхшайди», – деб У зотдан кегин маҳкам ушлашлари учун васийят сўрадилар. «Вожиботларни бажариш ва ҳаром нарсаларни тарк қилиш билан Аллоҳга тақво қилишни васият қиламан», – дедилар. Агар устингизга қул амир бўлган бўлса ёки зўрлик қилиб босиб олган бўлса ҳам қулоқ солиб, итоат қилинглари! Яъни, энг паст одам амир бўлган бўлса ҳам, нафратланмай, фитна тарқалмаслиги учун итоат қилинглари! Сизлардан ким яшаса, кўп ихтилофларни кўради. Сўнгра бу ихтилофдан чиқиш йўлини баёнлаб бердилар. У ҳам бўлса, У зот ва улардан кейинги Абу Бакр сиддиқ, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон ва Алий ибн Абу Толиб разияллоҳу анҳум каби тўғри йўлдаги хулафои рошидинлар суннатларини маҳкам ақл тишлари билан тишлаш, яъни суннатни маҳкам ушлашда жидду жаҳд қилиш демакдир. Диндаги янги чиққан бидъат ишлардан огоҳлантирдилар. Чунки ҳар бир бидъат залолатдир.

النجاة الخيرية
ALNAJAT CHARITY

